

«Машраб»нинг бу сонидаги икки кўруниш, бизнинг назари диққатимизни ўзига худди қахрабодек тортиб кўйди. Унинг бири - танкид оламида янги «усул», иккинчиси -Зарафшон дарёсининг бу кунги ажойиб ва гаройиб холи. Шунинг учун бу тўғрида бир-икки огиз чак-чак килмасдан ўта олмадик.

Бировнинг шеъри ёки меъри танкид килинар экан, унинг галвир-шалвирини бошлаб тахлил галбиридан ўтказиб, сўнгра ул ҳақда бир ҳукм чиқариш ота-бобомиздан қолган яхши бир одат эди. Яқинда «А. Саъдий» деган бир ўртоқ ҳам шу усулга амал қилиб бир муддат сўқиш «офариннома»си олгон эди.

Лекин нима учундир сўнг чокларда янги бир танкидчи майдонга отилиб, ўз аклича одам боласи кўрмаган ва эшитмаган шги бир «усул» чиқарди. Бунинг усулига қараганда, тахлил-махлил деган бош огриклар ҳожат бўлмай, ёлғиз шоирларни сабзи-шолгом қаторида қопга солиб, Оврупонинг тошбақа тарозуси билан ўлчаш қифоя этар эмиш...

Мана, биз ўзимизнинг ёш шоирларимизга бу янги «усул»ни тортиқ этамиз. Токи булар бундан кейин Оврупо шоирларидек шеър айтсунлар. Бу ишнинг урдасидан чиқмагонлари тақдирда жимгина юрсинлар ва «тавсиъи маълумот» этсунлар...

Яша танкидчи!.. Шу усулга ҳам салламно!..

Энди келайлик Зарафшон дарёсининг бу кунги кўрунишига:

Самарқанднинг бу кунги Зарафшон манзарасини кўрган киши хайрон бўлиб, «ё бу ернинг халқи девона бўлгон, ёки бу шаҳар - халқала шаҳри экан» деб ўйласа ажаб эмас. Чунки бечора дехқонлар, қанча меҳнат қилиб, солиқ тўлаб бир қоп галлани ёки 20-30 қовунни бозорда сотаман деб Зарафшон қирғогига қеладиқлар. Бундаги қаровуллар қўпрукдан мандатсиз ўтказмаганлари учун у бечоралар ҳам тақдирга тан бериб дарёдан ўтишга мажбур бўладиқлар.

Натижада, бир мунчалари дарёдан зўрга ўтиб, бошчалари тўп-тўгри Бухородан чикадирлар ёки иккинчи дунёдан... Буларнинг уйдаги бола-чакалари «отамиз гўшт-ёғ келтирадир» деб козонни кизитиб турадир. Лекин гўшт-ёғ нари турсин, оталаридан дарак ҳам бўлмас. Бунда козон кизиб ёрилур. Бола-чакалари ҳам сабил колур...

Шахримизда ишчи-дехконлар фойдасига ишлайдургонларнинг бу фожеаларни кўрарлик кўзлари, эшитарлик кулоклари йўк.

Чунки....

Ботурбек

«Машраб», 1924 йил, 6-сон